

Фикҳ дарслари (97-дарс). Таҳоратни бузувчилар



14:04 / 06.08.2020 2946

(иккинчи мақола)

5. Суянган нарсаси олиб ташланса, йиқилиб тушувчининг уйқуси.

Яъни бир одам бир нарсага суяниб ўтирган ҳолида ухламоқда. Агар ўша суянган нарсани олиб ташланганда йиқилиб тушса, таҳорати кетган бўлади.

لَا قَوْلَ لِمَنْ سَوَّاهُ لَعَلَّ يَلْجَأُ إِلَى صَدْرِهِ لَعَلَّ لَوْ سَرَّ أَنْ يُنْعَمَ عَلَيْهِ لَعَلَّ يَضْرِبُ بِإِطِّ يَبْأُ نَبِيَّ لَعْنَهُ
«عَجَامٌ نُبَّأُو دُوَادٌ وَبَأُو دَمَحَ أَوْرَ». «أَضَوْتِ لَفَمَ أَنْ نَمَفَّ، هَسَلْ أَعَاكُ وَنِيْعَلْ»

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Ўтирган ҳолида ухлаётган одам йиқилиб кетса, ёнбоши ерга теккунча ўзини ўнглаб олса, таҳорати синмайди.

Қўлини ерга тираб ухласа ҳам таҳорати синмайди.

Орқасини ерга, бошини тиззасига қўйиб ухлаган одамнинг таҳорати ҳам синмайди.

Бемор ёнбошлаб намоз ўқиди. Сўнг ухлаб қолди. Таҳорати синади.

Ёнбошлаб ётиб, енгил мудраб қолди. Атрофидаги одамларнинг гапларини эшитса ва тушунадиган бўлса, таҳорати синмайди.

6. Ҳушидан кетиш.

Бу ҳолат беморлик ҳолатидир. Уни уйқуга қиёс қилинади. Ухлаб қолган одам ўзидан нима чиққанини билмагани каби, ҳушидан кетган одам ҳам билмайди.

7. Жинни бўлиб қолиш.

Жиннилик ҳолати ҳам худди уйқу ва ҳушдан кетиш ҳолатлари каби ақлнинг заволи туфайли юзага келади.

Бу ҳолат маст қилувчи нарсаларни қабул қилиш ила маст бўлганлар ҳолатига қиёс қилинади ва уларнинг ҳам таҳорати кетади.

Ароқ ичиш, наша чекиш, томирга гиёҳванд модда юбориш каби ҳолатлар ила ақлий тавозинни йўқотганларнинг таҳорати кетиши шундандир.

8. Балоғатга етган кишининг тўла-тўқис намозда қаҳқаҳали кулиши.

Бунда қасдан кулса ҳам, ихтиёрсиз кулса ҳам, барибир.

Қаҳқаҳа ўзига ва яқинида турганларга эшитиладиган кулгидир. Тиши кўринса ҳам, кўринмаса ҳам, барибир.

Агар сажда ва рукуъси бор намоз ўқиётган одам қаҳқаҳа ила кулса, таҳорати ҳам, намози ҳам бузилади. Бундан жаноза намози ҳамда тиловат саждаси мустаснодир. Жаноза намозида қаҳқаҳа отиб кулган кишининг таҳорати синмайди.

Бу ҳақда бир неча ҳадислар келган.

لُجْرَاءَ أَجْف مَلَسُو هِي لَع لَل لَص لَل لِي بَن يَلَع لَقِي لَع نَب قَلَطْ نَع
أَصَوْتِي أَمْ دَعَبُ رَكَذِلْ جِرْلِ سَمِي فِي رَتِ أَمْ هَلْ لِي بَن أَي: لَقَفْ يَوَدَبُ هُنَّ أَكْ
بِأَخْصَاءِ هَاوَرِ. «هُنَّ مُعْضَبٌ وَأَهُنَّ مُعْضَمٌ الْإِوَهُ لَه» مَلَسُو هِي لَع لَل لَص لَقَفْ
نَسْلًا

Толқ ибн Алидан ривоят қилинади:

«Набиюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борган эдик,
бадавийга ўхшаш бир одам келиб:

«Эй Набиюллоҳ! Эр киши таҳорат қилганидан кейин закарини ушлаши
ҳақида нима дейсиз?» деди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у анинг бир парчасидан ёки гўшtidан бошқа нарса эмас»,
дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Умар, Али, Ибн Масъуд, Ибн Аббос, Зайд ибн Собит, Имрон ибн Ҳусойн,
Ҳузайфа ибн Ямон, Абу Дардо ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳум закарни
ушлашни бетаҳоратлик деб билмасдилар.

Таҳоратни кетказмайдиган нарсалар:

1. Ўз жойида оқмай туриб қолган қон.
2. Гўшт узилиб тушса-ю, қон оқмаса.
3. Жароҳатдан, қулоқдан ёки бурундан чиққан қурт.
4. Закарни ушлаш.
5. Аёл кишининг баданини ушлаш.
6. Оғизни тўлдирмаган қайт.
7. Балғам, агар кўп миқдорда бўлса ҳам.
8. Ўтириб ухлаётган кишининг у ёқ-бу ёққа мойил бўлиши.
9. Яхшилаб ўтириб олиб ухлаш.
10. Намоз ўқиб туриб ухлаб қолиш.

(Тамом)

«Кифоя» китобидан